

## ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯ

Х.Йўлдашева,  
Қашқадарё ВХТҲҚТМОИ  
*Тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси*

Кейинги йилларда таълим тизимида қатор ўзгаришлар бўлиб, уларнинг замирида таълим олувчиларнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ, жамиятда ўз ўрнини топа оладиган шахс сифатида шакллантириш муаммоси туради.

Она тили таълимининг бош мақсади ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини юксалтириш, тафаккур маҳсулини оғзаки, ёзма шаклларда нутқ шароитига мос равища тўғри, равон ифодалаш, ўзгалар фикрини тўғри англаш кўникмасини шакллантириш ҳамда малакасини оширишдан иборат. Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида она тилининг амалий аҳамиятини янада кенгайтириш борасида фикрлар билдирилган. “...Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр эттириш, зарур атама иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”.<sup>1</sup> Она тилининг амалда қўлланиш доирасини кенгайтириш борасида таълим тизимида ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълимда компетенциявий ёндашув айнан ана шундай масалалар билан боғлиқ ва бугунги кунда баркамол шахсларни шакллантириш учун олиб борилмоқда.

**Компетенция** - фан бўйича эгаллаган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиб, амалиётда қўллай олишидир.

**Компетентлилик** (*лот: competens – лаёқатли, қобилияти бор*) шахс билим, кўникма ва тажрибаларининг унинг ижтимоий-профессионал мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммолар ҳал қилишга етарлилиги ҳамда ҳақиқий мослик даражаси. Компетентлилик таркибига соф касбий билим, кўникма ва малакалардан ташқари, ташаббускорлик, ҳамкорлик, гуруҳда ишлаш лаёқати, коммуникатив қобилияти, реал баҳолай олиш, мантиқий фикрлаш, ахборотни саралаш ва фойдалана олиш хусусиятлари ҳам киради. Демак, ҳар бир ўқитувчи она тили фанидан таълим бериш жараённида ўқувчиларда компетентлилик ёндашувини шакллантириши лозим бўлади.

Таълимда компетенциявий ёндашув дейилганда, ўқувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги малакаларини самарали равища қўллашга ўргатиш тушунилади.

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият” 2008. –Б.87

Таълим муассасасида умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари билан биргаликда, ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиш, бошқаларни тинглаб уларни тушуна олиш, баҳсга киришиш, кундалик ҳаётда муваффақиятларга эришиш учун ўқувчи ушбу ахборотларни излаб топиши, таҳлил қилиш, билим, кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишда фойдалана олишларини шакллантириш зарур.

Бугунги глобаллашув жараёни дунё миқёсида тилшуносликнинг ҳам, тил таълимининг ҳам зиммасига янгидан-янги вазифаларни юклади. Тилдан амалий фойдаланиш самарадорлигини фаннинг ҳам, таълимининг ҳам асосий муаммосига айлантириб қўйди. Она тили таълимида ўқувчиларнинг муайян нутқий вазият, шароит ва маданий мухитда тилдан оқилона, самарали фойдаланиш компетенциясини ривожлантириш масаласи билан шуғулланиши зарурлиги белгилаб берилди. Таълим олувчиларнинг она тилилдан амалда қўлланиш кўникмасини шакллантириш борасида она тили таълимининг самарасига қўйидаги бешта компетенцияни ривожлантириш орқали эришилади. Булар: *мустақил ва ижодий фикрлаши компетенцияси, лингвистик компетенция, нутқий компетенция, социолингвистик компетенция, прагматик компетенция*.

Юқорида келтирилган компетенцияларнинг ҳар бири она тили таълимида муҳим аҳамият касб этади. Социолингвистик компетенция айнан бугунги кунда ёш авлоднинг мулоқот маданиятини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Академик А.Хожиев социолингвистика терминига қўйидагicha таъриф беради: “Социолингвистика – тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Социология ва лингвистиканинг синтезидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси; нолисоний омиллар таъсирида тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсати юритишнинг вазифа шакллари, кенг халқ оммаси нутқ маданиятини кўтариш каби муаммолар билан шуғулланади.”<sup>2</sup>

Шундан келиб чиқиб, **социолингвистик компетенция** – ўқувчининг жамият тарихий тараққиётидаги ўзгаришларнинг тилда акс этишини социал омил (тилнинг жамиятга, жамиятнинг тилга таъсири) ларнинг тилга таъсирини, тингловчининг ёши, жинси, маданият даражасини эътиборга олган ҳолда мулоқот қилишига доир билим, кўникма, ва малакаларидир. Социолингвистик компетенция орқали ўқувчиларда мулоқот маданияти шаклланади ҳамда суҳбатдошининг социал ролларига мувофиқ сўзларни танлай олиш кўникмалари шаклланади.

Социолингвистик компетенцияни ўқувчиларда ривожлантириш орқали уларнинг нутқ бирликларини қай ҳолатда, кимга нисбатан ишлатилишини шакллантирилади.

<sup>2</sup>Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли луғати. –Тошкент., 2002. –Б.93.

Бугунги кун ўзбек тилшуносликда айнан нутқнинг антропоцентрик тадқиқ қилиш кучаймокда. Бу эса ўз навбатида тил таълимида ҳам қатор ўзгаришларни олиб келиши табиий. Айнан социолингвистика ана шу йўналишлардан бири ҳисоблананди. Социолингвистика нутқни жамият билан, жамиятда мавжуд турли табақалар билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ қиласди. Тил таълимидаги социолингвистик компетенцияни шакллантириш орқали ўқувчининг жамиятда тилдан фойдаланиш кўникмаси шаклланади.